

Нахуро қизлари Сора (иккинчи мақола)



17:00 / 19.11.2020 3139

Золим подшоҳ

Иброҳим алайҳиссалом, Лут ва Сора Мисрга келиб, Нилга яқин жойда маскан қилишди. Ўша вақтда бу ерда ўта золим, подшоҳ ҳукмронлик қилар эди. Аёлларни ўзига тортиб оларди. Унинг хизматчилари Мисрга тарқалишар, қаерда чиройли аёл бўлса, хабар беришар, подшоҳ аёлларни олдириб келиб, ўзига бўйсундирарди.

Ҳазрати Сора жуда гўзал аёл эдилар. Подшоҳнинг одамлари бундан хабар топиб, унга: «Аёлнинг ёнида бир ёш бола ва бир киши бор, улар ғариб экан ва мисрлик эмас!» дейишди. Подшоҳ деди: «Ёнидаги киши ким экан, яқиними, эрими?» Подшоҳ одамларининг нима мақсадда келишганини Иброҳим алайҳиссалом билдилар ва дедилар: «Эй Сора, улар агар сўрасалар, мен синглисман, деб айт!» Подшоҳ одамларига Сора: «Мен бу кишининг синглисман», деб айтдилар. Улар моликка бу хабарни етказишди. Подшоҳ бу аёлни ҳузурига келтиришни хоҳлади.

Подшоҳ қасрида

Подшоҳ одамлари Сора ҳақидаги хабарни етказганларидан кейин молик Сорани келтиришни буюрди. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолога ёлвориб, шу золимдан ёрдам беришини Ўзига таваккал қилиб сўрадилар.

«Албатта Аллоҳ таолонинг Ўзи муҳофаза қилади ва Ўз қудрати билан ҳимоясига олади», деб дуо қилдилар. Подшоҳ хизматчилари Ҳазрати Сорани олиб кетишди. Иброҳим алайҳиссалом таҳорат қилдилар, намоз ўқидилар, Аллоҳ таолога тазарруъ билан аёлларини қайтаришини сўраб, дуо қилдилар.

Соранинг ҳужраларига подшоҳ кирганида таҳорат олишга изн сўрадилар, у изн берди. Таҳорат олдилар, намоз ўқидилар, қўлларини баланд кўтариб, дуо қилдилар: «Аллоҳим, Сен биласан, мен Сенга ва расулингга иймон келтирганман! Мени бу кофирдан ўзинг саломат сақлагин!». Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло мўминларнинг илтижоларини албатта ижобат қилади ва ёмонликларни улар устидан кўтаради. Аллоҳ мўмина қулининг дуосини ижобат қилди! Подшоҳ Ҳазрати Сорага қўл узатиши билан қўли шол бўлиб қолди. «Эй Сора, Раббингга дуо қил, қўлимни тузатса, мен сенга зарар келтирмайман», деди шоҳ. Сора дуо қилдилар, дуолари ижобат бўлиб, шоҳнинг қўли тузалди. Лекин унинг нафси ғолиб келиб, Сорага яна қўлини чўзди, яна қўли шол бўлиб қолди. Яна шоҳ ялинди. Сора иккинчи марта дуо қилдилар, шоҳнинг қўли тузалди. Учинчи марта қўлини Сора онамизга узатган эди, яна шол бўлди. Шоҳ қаттиқ қичқириб: «Дуо қил Раббингга, мени тузатсин, сенга ҳеч зарар келтирмайман», деди. Сора онамиз дуо қилдилар, қўли тузалди. Подшоҳ аскарларига бақирди: «Сенлар инсон эмас, шайтон олиб келибсанлар, менинг еримдан олиб чиқиб ташланглар!» Қўли тузалганидан хурсанд бўлган шоҳ Сорага бир жорияни қўшиб берди. У аёл мисрлик Ҳожар эдилар.

(Давоми бор)

«Мўминалар силсиласи» китобидан